

yillik (30 yillik) kashtan barglarida aksincha transpiratsiya jadalligi biroz pastroq ekanligi aniqlandi.


Manzarali daraxtlarning qurg'oqchilikka chidamlilik darajasini aniqlash uchun "Turgoromer-1" asbobi uslubidan foydalanish mumkin. Bu asbob suvsizlik ta'siridan barglar turgorotsentlik darajasining o'zgarish xususiyatini hisobga olishga asoslangan. Ayniqsa, barglarning barqarorlik koeffitsienti qurg'oqchilikka va

issiqlikka chidamlilik darajasini ifodalovchi asosiy ko'rsatkich hisoblanadi. Olingan ma'lumotlar o'rtasidagi farq qurg'oqchilikka chidamlilik darajasini ifodalaydi. Chunki chidamsiz o'simliklar bargi qurg'oqchilik ta'siridan ko'proq suv yo'qotadi va barg qalinligi ko'proq kamayadi [19]. Bizning tadqiqotlarimiz natijasida olingan ma'lumotlar, ya'ni turli yoshdagi kashtan daraxtlarining barglaridagi turgorotsentlik darajasi 2-jadvalda keltirilgan.

2- jadval. Kashtan barglarining turgorotsentlik darajasi, mkm

T/r	Kashtanlar yoshi	Aniqlanish muddatlari:					
		15.05	15.06	15.07	15.08	15.09	O'rtacha
1	2 yillik	155.0 ± 0.5	135.5 ± 0.3	125.5 ± 0.5	130.5 ± 0.4	125.5 ± 0.5	130.3 ± 0.4
2	5 yillik	145.0 ± 0.4	135.5 ± 0.5	120.5 ± 0.4	130.0 ± 0.5	120.0 ± 0.5	129.2 ± 0.5
3	30 yillik	135.0 ± 0.5	125.5 ± 0.6	120.0 ± 0.5	120.0 ± 0.5	120.0 ± 0.4	124.3 ± 0.5

Jadvalda keltirilgan ma'lumotlardan aniqlanishicha kashtan daraxtlari barglarining turgorotsentlik darajasi yoshiga qarab bir-biridan farq qilishi aniqlandi, ya'ni o'rtacha 2 yoshlilarda 130.3 mkm, 5 yoshlilarda 129.2 mkm ga va ko'p yilliklarda 124.3 mkmga teng ekanligi va 2 yoshlilarga qaraganda 6 mkm ga farq qilganligi kuzatilgan. Barcha yuqorida keltirilgan ma'lumotlar 2-rasmda yanada yaxshiroq tasvirlangan.



Aniqlanish muddatlari. 2- rasmda. Kashtan barglarining turgorotsentlik darajasi, (mkm)

2-rasmdagi ma'lumotlardan ko'rinib turganidek kashtan daraxtlarining barglaridagi turgorotsentlik darajasi ularning yoshiga qarab o'zgarib borishi aniq tasvirlangan, ya'ni 2 yillik kashtanlar, ko'p yillik kashtanlarga qaraganda turgorotsentlik darajasi yuqori ekanligi ko'rinib turibdi. Bundan tashqari bu ko'rsatkich havo haroratiga ham bog'liq bo'lib, harorat ko'tarilganda barglarning qalinligi kamayganligini ko'rish mumkin.

Adabiyotlar

1. Xo'jayev J.X. O'simliklar fiziologiyasi. –Toshkent: "Mehnat" 2004, 50-52-b.
2. Keldiyarov X.A. Sulaymonov E.S. Samarqand shahrining botanik tabiat yodgorliklari. –Samarqand: 2009. 3, 22-b.
3. Очиллов У.А., Хайдаров Х.К., Расулова З.А. Биология размножения гибискуса сирийского (*Hibiscus syriacus* L.) // интродукция растений, збереження на збагачення біорізноманіття в ботанічних садах на дендропарках. –Київ: 2015. –С.183-185.

РЕЗЮМЕ

Ushbu maqolada O'zbekistonning yirik shaharlarini ko'kalamzorlashtirishda foydalanib kelinayotgan kashtan daraxtlarining suv almashinuv xususiyatlari, ya'ni transpiratsiya jadalligi va turgorotsentlik darajasi ilmiy jihatdan tahlil qilingan.

РЕЗЮМЕ

В статье представлен научный анализ характеристик водообмена, скорость транспирации и процент тургора каштанов, используемых в озеленении крупных городов Узбекистана.

SUMMARY

This article illustrates a scientific analysis of water exchange characteristics the rate of transpiration and turgor percentage of chestnut tree used in the landscaping of big cities of Uzbekistan.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУД ДЕМОГРАФИК СИҒИМИ ИМКОНИЯТИ ВА УНИ БАҲОЛАШ

З.Тоғиева – география фанлари доктори, профессор

Н.Жалолитдинов – магистрант

Ўзбекистон миллий университети

Л.Ибрагимов – география фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Самарқанд давлат университети

Таянч сўзлар: демографик сиғим, демографик прогноз, табиий кўпайиш, аҳоли зичлиги.

Ключевые слова: демографическая ёмкость, демографический прогноз, естественное воспроизводство, плотность населения.

Key words: demographic capacity, demographic forecast, natural reproduction, population density.

Кириш. Худуд демографик сиғими (ХДС) - худуднинг ўз чегарасида истиқомат қиладиган мавжуд энг кўп аҳолининг экологик барқарорлигини сақлаган ҳолда кунлик яшаши учун муҳим бўлган ресурсларга бўлган талабини қондира олиш эвазига жойлаштириш имкониятидир. Демографик сиғим ўзгарувчан катталиқ

ҳисобланади, чунки худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши яхшиланиши, ялпи ички маҳсулот ўсиши, ер, сув ресурсларидан фойдаланиш ижобий йўлга қўйилган ҳолатда ҳар қандай миқдордаги аҳолини боқимсиз имконияти ортиб боради, натижада ХДС даражаси ҳам ошади.

Ўзбекистонда аҳолининг яшаши учун қулай ерлар чекланган, қолаверса, вилоятлар миқёсида бир хил тақсимланмаган, бу эса ХДСни аниқлашни тақозо этади. Чунки, республика аҳолиси мунтазам кўпайиб, аҳоли зичлиги йилдан – йилга ортиб, зичлашиш жараёни кетмоқда. Ер, сув ресурсларидан фойдаланиш, ҳудудлардаги мавжуд табиий ресурслар ҳисобига аҳолини уй-жой, озиқ-овқат билан таъминлашда муаммолар юзага келмоқда. Ана шундай муаммоларни ҳудудлар доирасида кўрсатиб беришда ХДСни аниқлашнинг роли ўта аҳамиятлидир.

Асосий қисм. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси майдони 448,9 км.квни ташкил этади. Аҳолиси 34,2 млн киши бўлиб, 1 км² га 76,1 киши (2020 й.) дан тўғри келади [4]. Ўзбекистон аҳолиси сони бўйича МДХга кирган мамлакатлар орасида Россия ва Украинадан кейин 3-ўринда туради. Мамлакатда аҳоли сони мунтазам кўпайиб келган, масалан, 1865 йили ўлкада 3320 минг аҳоли истикомат этган бўлса, 1920 йили аҳоли сони 4470 мингга, 1970 йили - 11800 мингга, 1991 йили - 20708 мингга ва 2005 йили 25707 мингга, 2020 йили 34246,3 кишига етди [2]. Асримиз бошидан то ҳозирги даврга қадар ер шари аҳолиси 3,4 мартага кўпайган бўлса, Ўзбекистон аҳолиси 7,8 мартага ўсди ёки мустақиллик йилларида 13,5 млн кишига ёки 1,7 мартага кўпайди. Охириги 25-30 йил ичида демографик жараёнларни ифодаловчи кўрсаткичлардаги гоҳ

пасайиш, гоҳ кўпайиш ҳодисаси рўй бериши аҳолининг ўсиш суръатига таъсир этган бўлишига қарамай, аҳоли мутлоқ сони мунтазам ортиб борапти. Шу боисдан, келгусидаги аҳоли сони прогнозини ишлаб чиқишда ва минтақаларнинг келажак дастурларини яратишда ХДСни баҳолаш энг долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ҳудуд демографик сиғимини аниқлашда аҳоли ва саноат корхоналари учун қулай бўлган ерлар, ер ости ва ер усти сув захиралари, қишлоқ хўжалиги ерлари ва уларнинг ҳосилдорлиги, аҳолининг дам олиш учун шароити бор жойлар каби аҳолининг кунлик эҳтиёжига хизмат қиладиган табиий компонентлар ҳисобга олинади. Жумладан, озиқ-овқат баъзасини ташкил этиш бўйича хусусий ҳудуд демографик сиғими қуйидаги формула орқали топилади:

$$ДЗ = \frac{T \cdot E \cdot 100}{B}, \text{ бу ерда}$$

T – қишлоқ хўжалиги учун қулай бўлган ҳудуд майдони (га)

E – қишлоқ хўжалиги ерларидан озиқ-овқат мақсадида фойдаланиш имкониятини ҳисобга олиш учун белгиланган меъёр кўрсаткич, коэффициент (0,2-0,3)

B- ҳудуд аҳолиси бир кунлик истеъмоли, ўртача кўрсаткич [1]

1-жадвал. Ўзбекистонда озиқ-овқат таъминоти имконияти бўйича ҳудуд демографик сиғими даражаси

Озиқ-овқат маҳсулотлари, аҳоли жон бошига, кг. ҳисобида	Ўртача кунлик меъёр	Ўртача кунлик истеъ-мол	Май-дон	ХДС	ХДС даражаси, прогноз, % да				
					2010 йил	2015 йил	2020 йил	2025 йил	2050 йил
нон ва нон маҳсулотлари	332,2	444,4	34,1	45 617,2	162,9	151,0	145,2	140,1	103,6
гўшт ва гўшт маҳсулотлари	199,4	105,5	64,8	34 284,9	122,4	113,5	109,2	105,3	77,8
сут маҳсулотлари, кг	428,1	796,7	12,4	23 076,6	82,4	76,4	73,5	59,0	43,7
тухум, дона	0,81	0,38	1,2	563,0	2,0	1,9	1,8	1,7	1,3
сабзавотлар (полиэ экинлари билан биргаликда)	367,4	661	5,4	9 715,3	34,7	32,2	30,9	29,8	22,1
картошка	149,7	120,0	3,7	2 965,9	10,9	10,09	9,7	9,4	6,9
ўсимлик мойи ва бошқа ёғлар	46,7	30	12,8	642,4	35,9	33,3	32,0	30,9	22,82
шакар	53,1	40		753,3	2,7	2,5	2,4	2,7	2,0
мевалар	248	230	15,1	14 004,0	50,0	46,4	44,6	43,0	31,8

Жадвал: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

Жумладан, республика аҳолисининг нон ва нон маҳсулотлари истеъмоли йилига ўртача 160 кг ни ёки кунлик истеъмоли ўртача 444,4 гм ни ташкил этади. Шунга мос ҳолда, нон ва нон маҳсулотлари билан таъминловчи ўтиш оралиғидаги аҳолининг сони қуйидагини ташкил этади:

$$ДЗ = \frac{444,4 \cdot 34,1 \cdot 1000}{332,2} = 45617200 \text{ киши}$$

Демак бундан кўриниб турибдики, мавжуд нон ва нон маҳсулотлари ўртача кунлик меъёр кўрсаткичи ва кунлик ўртача истеъмоли республикада 45617200 кишини таъминлашга бемалол етади ҳатто ортиғи билан. Ҳисоб-китоблар натижасига кўра, ҳозирда аҳоли истеъмол қиладиган биргина нон ва нон маҳсулотларининг кунлик ўртача меъёри киши бошига 332,2 граммдан белгиланган бўлишига қарамай, 1,3 мартага кўп истеъмол қилинаётганлигини кўриш мумкин. Айнан шундай ҳолатда республика ҳудуд демографик сиғимида нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлаш имкони ўта юқори. Ушбу кўрсаткични 2050 йилга прогноз қилинганда, аҳоли сони ортиб боришига қарамадан, ҳозирда ишлаб чиқарилаётган нон ва нон маҳсулотлари ҳажми шу тахлитда сақланиб қолинганда

ҳам аҳолининг нонга бўлган эҳтиёжи тўлиқ қондирилади. Чунки, нон ва нон маҳсулотлари бўйича ҳудуд демографик сиғим даражаси 2050 йилда 103,6 фоизни ташкил этади (1-жадвалга қаранг). Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, нон ва нон маҳсулотларидан ташқари биронта озиқ-овқат маҳсулотларида бундай юқори кўрсаткич сақланиб қолинмайди. Атига гўшт ва гўшт маҳсулотлари ҳудуд демографик сиғим даражаси 2025 йилда юқори бўлиб, ундан кейин таъминлаш имконияти пасаяди.

Республика аҳолисининг белгиланган гўшт ва гўшт маҳсулотларининг ўртача кунлик меъёрига нисбатан ўртача кунлик истеъмоли кам бўлишига қарамадан, мавжуд етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти 2020-2025 йиллардаги аҳолининг гўштга бўлган талабини қондира олади. Гўшт маҳсулотларидан фарқли ўларок, сут ва сут маҳсулотларининг аҳоли ўртасида ўртача кунлик истеъмоли белгиланган меъёр кўрсаткичдан кўп. Аммо ушбу маҳсулот тури истеъмолида ҳудуд демографик сиғими 23076,6 минг кишини таъминлай олади ҳолос. Прогноз қилинаётган йиллардаги аҳолининг сут ва сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи учун ҳозирги олинаётган сут

маҳсулотлари умуман етарли эмаслигидан далолат беради.

Худди шундай ҳолат қолган барча озиқ-овқат маҳсулотлари учун ҳам сақланиб қолинади. Бундан кўриниб турибдики, тухум, сабзавотлар, картошка, ўсимлик мойи ва бошқа ёғлар, шакар, меваларни етиштириш, ишлаб чиқаришни кўпайтириш бугуннинг долзарб вазифасидир. Сабаби, мавжуд ҳисоб-китоблар 28,5 миллион кишига мўлжалланган ҳолда бажарилган,

яъни ҳудуд демографик сиғими аниқланган. Прогноз йилларида эса республика аҳолисининг 40 миллион кишига етишини инобатга оладиган бўлсак, мазкур озиқ-овқат маҳсулотлари ҳосили миқдорини кўпайтиришни тақоза этади [3]. Акс ҳолда, аҳолининг ушбу маҳсулотларга бўлган талаби четдан келтириладиган маҳсулотлар ҳисобига кондирилиши ёки умуман етарли даражада кондирилмаслиги ҳам мумкин.

2-жадвал. Ўзбекистон Республикаси бўйича асосий озиқ-овқат маҳсулот турлари истеъмоли, аҳоли жон бошига, кг. ҳисобида

Асосий маҳсулот турлари	1990 йил	2000 йил	2018 йил	1990 йилга нисбатан, 2018 йилда ўсиш, % да
Нон ва нон маҳсулотлари	170	167	160	94,1
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	31	34	38	122,6
Сут маҳсулотлари	183	162	239	130,3
Тухум (дона)	97	47	138	142,3
Сабзавотлар (полиз маҳсулотлари билан бирга)	107	128	238	222,1
Картошка	29	36	45	155,2
Ўсимлик ёғи ва бошқа мойлар	12	12	13	103,2
Шакар	12	16	17	137,5
Мева, жумладан, узум	23	42	83	360,0

Манба: Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида иқтисодий ва ижтимоий (1990–2010 йй) ривожланиши ҳамда прогноз кўрсаткичлари (2011–2015 йй). Статсборник. –Т., 2011. 84 б.

Мазкур кўрилатган давр оралиғида, озиқ-овқат маҳсулот турларидан тухум ҳамда шакарнинг 1,4 марта, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, картошканинг 1,2, меваларнинг 3,6, сабзавотлар 2,2, сут ва сут маҳсулотлари истеъмоли 1,3 мартага кўпайганлиги республикада озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланишида ижобий ишлар амалга оширилатганлигидан далолат беради. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан ҳар бир киши соғлом ўсиши учун кунлик ва ойлик озиқ-овқат маҳсулоти меъёр кўрсаткичлари белгиланган. Унга кўра, мамлакатда яшовчи ҳар бир киши меъёр бўйича бир кунлик гўшт ва гўшт маҳсулотларидан ўртача 199,4 грамм, нон ва нон маҳсулотлари 332 грамм, сут ва сут маҳсулотлари 428,1 грамм, 0,81 донадан тухум, 46,7 грамм ўсимлик ёғи, 53,1 грамм шакар истеъмол қилиши лозим. Бироқ, ҳозирда бу озиқ-овқат турларидан айримлари талаб даражасида, ҳатто ортиғи билан истеъмол қилинмоқда. Бинобарин, буларга нон ва нон маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари, сабзавотларни киритиш мумкин, холос. Қолган озиқ-овқат маҳсулотларидан, яъни гўшт

ва гўшт маҳсулотлари, тухум, картошка, ўсимлик ёғи ва бошқа ёғ маҳсулотлари, мевалар ҳамда шакар истеъмоли белгиланган меъёр кўрсаткичдан камдир (2-жадвал).

Жумладан, аҳоли ўртасида нон ва сут маҳсулотлари меъёридан 1,3–1,5 мартага кўп истеъмол қилинаётган бир вақтда, талаб бўйича кунлик эҳтиёжи 200 грамми ташкил этадиган гўшт маҳсулотлари миқдори, атиги 100 граммга тенг бўлмоқда. Худди шундай аҳоли ўртасида тухумнинг бир ойда жон бошига 24 та ўрнига 12 тадан, картошканинг 4,5 килограмм ўрнига 3,7 килограмдан, шакар 1,6 эмас, балки 1,4 килограмдан истеъмол қилинаётганлиги республикада ҳудуд демографик сиғимида ҳал этилиши лозим бўлган муҳим вазифалар борлигини кўрсатади.

Хулоса. Хулоса қилиб айтганда аҳоли сони ошиб бораётган бир вақтда барча маҳсулотларга бўлган эҳтиёжи ҳам ортиб боради. Бу эса аҳолининг ҳудудлардаги демографик сиғимини барча қишлоқ ва шаҳарлар доирасида илмий тадқиқ этишни тақозо этади.

Адабиётлар

1. Владимиров В.В., Наймарк Н.И., Субботин Г.В и др. Районная планировка. –М.: Стройиздат, 1986. –С.75
2. Основные тенденции и показатели экономического и социального развития Республики Узбекистан за годы независимости (1990–2010 гг.) и прогноз на 2011–2015 гг. Статсборник. –Ташкент: 2011.
3. Среднесуточные рекомендуемые нормы потребления пищевых продуктов для расчёта минимального потребительского бюджета населения Узбекистана СанКМ (Сан анПиН) 135-03. (11.03. 2003).
4. Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

РЕЗЮМЕ

Мақолада, Ўзбекистон Республикаси ҳудуд демографик сиғими (ХДС) имкониятлари ҳудудлар бўйича таҳлил қилинган. Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг демографик сиғим (ХДС) даражасини ва унинг имкониятларини жами аҳоли, ҳудудий таркиби бўйича баҳолашда таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Ўзбекистонда озиқ-овқат таъминоти имконияти бўйича ҳудуд демографик сиғими даражаси ва унга таъсир этувчи омиллар изоҳланган. Аҳоли зичлиги билан ҳудуд демографик сиғимининг демогеографик хусусиятлари ва ўзаро фарқлари аниқланган.

РЕЗЮМЕ

В статье проанализирован потенциал территориальной демографической ёмкости Республики Узбекистан по регионам. Разработаны предложения и рекомендации по оценке уровня демографической ёмкости и её возможностей регионов Республики Узбекистан по общей численности населения, территориальной структуре. По возможности продовольственного обеспечения в Узбекистане были проанализированы уровень демографической ёмкости территории и факторы, влияющие на неё.

SUMMARY

The article analyzes the potential of the territorial demographic capacity of the Republic of Uzbekistan by regions. Proposals and recommendations have been developed to assess the level of demographic capacity of the regions of the Republic of Uzbekistan and its potential in terms of total population, territorial composition. The level of demographic capacity of the region are explained in terms of food supply in Uzbekistan and the factors influencing.